



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 16-18 декабрь кунлари давлат таширфи билан Жанубий Кореяда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон — Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилади.

Энг аввало, "яшил" иқтисодиёт, рақамлаштириш, инновациялар ва юқори технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик бўйича

дастур ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси раҳбарияти, ушбу мамлакатнинг энг йирик компания ва банк-молия институтлари вакиллари билан учрашади.

Ташриф якунида салмоқли икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон — Жанубий Корея: Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — алоҳида стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари


Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга давлат таширфи Тошкент ва Сеулда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим воқеаси сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея миллий манфаатларига, иқтисодий тараққиётига, жаҳондаги нуфузининг юксалишига хизмат қилаётган алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган алоқалар, аввало, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин ўртасидаги дўстлик ва мустаҳкам ишонч негизда тараққий этмоқда.

Бу, ўз навбатида, икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга

кўтариш учун янги имкониятлардан фойдаланиш, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятини барча соҳаларда тўла юзга чиқариш борасида мунтазам фикр алмашиб келаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги турли соҳаларга оид 180 дан ортқ шартнома ва битим негизида изчил тараққий этиб бормоқда.



Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ЯРАТИЛАЁТГАН ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР

халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиёти учун хизмат қилади

Куни кеча Президентимиз раислигида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Тарихий аҳамиятга эга бу йиғилишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хизматлар соҳасига қулай кредит, субсидия ва янги енгилликлар пакети жорий этилиши, бир қатор солиқларни имтиёзли ставкада қўллаш, йўл, электр, интернет каби инфратузилмалар яратилиши тадбиркорлар орзу қилган имконият эди.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

**Муҳсинжон
ХОЛМУҲАМЕДОВ,
иқтисод фанлари номзоди**

Хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодий ўсиш, арзон иш ўринлари яратиш, бандлиқни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоб-китобиغا қўра, хизматлар соҳасининг 1 фоизга ўсиши камбағалликни ўртача 1,5 фоизга қисқартиради.

Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқичларида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг ривожини маҳсулотларни етказиб бериш (транспорт соҳаси), коммунал инфраструктуралар (сув, газ, электр, канализация), ишлаб чиқаришни молиялаш (банклар), маҳсулотлар бозорини кенгайтириш (ахборот, коммуникация хизматлари) ва бошқа муҳим хизматларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатда меҳнат унумдорлигини ва инсон капиталини ошириш (таълим, соғлиқни сақлаш), халқаро савдонинг кенгайтириш имкониятлари ҳам хизматлар соҳасининг ривожини талаб қилади.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 38 фоизи ва умумий қороналарнинг 60 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Республикада жами банд аҳолининг 50 фоиздан ортқи хизматлар соҳасининг улгуржи ва чакана савдо (10,6 фоиз), таълим (8,4 фоиз), транспорт (4,8 фоиз), давлат бошқаруви (4,7 фоиз), соғлиқ-



ни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (4,6 фоиз) соҳаларида фаолият юртиб келмоқда.

Солиштириш учун Россия (56 фоиз), Қозоғистон (56 фоиз), Беларусь (50 фоиз) ва Жанубий Кореяда (57 фоиз) хизматлар соҳасида мамлакат ялпи даромадининг ярмидан кўпи яратилади.

Мамлакатимизда хизматлар ривожига фақат шу соҳани ривожлантиришгина қолмай, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив

таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади.



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН

Қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация

ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра **2022 йил 1 январдан бошлаб** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қуйидагиларга:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, қўқатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг **50 фоизигача** йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи** банк маржаси) ставкада **6 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой** муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи** банк маржаси) ставкада **12 ойлик** "револьвер" кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон

Республикаси республика бюджетидан Жамғармага **2 триллион** сўм бюджет ссудаси ажратилади.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан келгуси йиллар ҳосилини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Жамғармага ажратиб борилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 мартдан** бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига — экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот **ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда** туланган суғурта мукофотининг **50 фоизи**, бироқ суғурта пулининг **1 фоиздан** ортқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг **70 фоизидан** кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) — хорихдан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизи**, бироқ бир ойга **1 нафар** мутахассис учун **1 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган маҳсулот етиштирувчилар учун боғ ва тоқзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш тавсия этилади;

в) мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

4. Мазкур қарорнинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, уларни харид қилувчи ташкилот ҳамда тижорат банки ўртасида тузилган шартномаларга эга бўлган, шунингдек, ушбу шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш учун **2022 йил 1 февралга қадар** техник имкониятларни яратсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида жалб этилган **65 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари ҳисобидан кичик агрологистика марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.



Давоми 2-бетда

“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИГА АЙЛАНАДИ

**Ботир ТОҒАЕВ,
Қамаши туман ҳокими**

Йиғилишда Президентимиз топшириқларидан келиб чиқиб, бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадларини ҳам белгилаб олдик. Хизматлар соҳасидаги янги ислохотлар ҳар бир туман, маҳалла ҳаётини ўзгартириши билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Бу фикрларимизни Қамаши тумани мисолида давом эттирсак. Туманимиздаги 60 та маҳаллада 280 минг 500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қайд этиш жоизки, кейинги беш йилда хизматлар кўрсатиш соҳасида қатор самарали ишларни амалга оширдик. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, туман марказидаги Ифтихор шоҳ кўчасида лойиҳа қиймати 4,9 миллиард сўмлик 4,8 километр саломатлик йўлаклари қурилди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, 4 та воркаут ва 1 та дам олиш майдончаси ташкил этилди. Бундан ташқари, туман марказидаги Алишер Навоий кўчасини кенгайтириб, бу ерда ҳам саломатлик йўлакларни қурдик.

Давлатимиз раҳбари видеоселекторда белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, бугунданок Ифтихор ва Алишер

Навоий кўчаларини 24 соат ишлайдиган манзилга айлантиришга киришдик. Бу ҳудудларда савдо, иссиқ нон, кондитер, ресторон, кафе, фаст-фуд, дорихона, автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, автомобиль, темирчилик, электр монтаж каби 100 га яқин янги хизмат кўрсатиш субъектлари ташкил этилади ва 200 та янги иш ўрни яратилади.

Яна бир муҳим йўналиш — туманимизда қатор туризм объектилари мавжуд. Бу соҳада ҳам хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаيمиз. Жумладан, туман марказидан 25-30 километр узоқликдаги Лангар қишлоғида XIV аср охирида денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда Лангар ота масжиди ва тўрт туғли Шайх Абулҳасан мақбараси барпо этилган. Тайхидлаш жоизки, ислом оламида тўрт туғли мақба-

ралар иккита бўлиб, уларнинг бири Туркияда — Жалолиддин Румий мақбараси, иккинчиси бизнинг туманда — Лангар ота мақбараси. Бу мақбаралар ислом аҳкомларидан — шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат илмларига нисбатан тўрт туғли дейилади.

Ушбу қадамжони ободонлаштириш мақсадида жорий йилда 1,3 километр тош йўллар асфальт қилинди, Осув тоғидан 7 километр қувор тортилиб, булоқ суви олиб келинди, автотураргоҳ ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда.

Бугунга келиб, ушбу қадамжода зиёрат туризми пайдо бўляпти. Зиёратгоҳга келувчилар сони олдинги йилларга нисбатан 2,5-3 баробарга кўнайд, чет давлатлардан ҳам сайёҳлар кела бошлади.

Келгусида, Лангар ота масжиди ва Лангар ота мақбарасига Шахрисабз тур-операторларни жалб қилган ҳолда вилоятимизга ва Шахрисабз шаҳрига келувчи сайёҳларнинг зиёратини ташкил этиш орқали 30 дан ортқ хизмат турлари кўрсатилиб, зиёрат туризми ривожлантирилади. Бу орқал яна 200 та янги иш ўрни яратилади.



Давоми 2-бетда

ТАРИХИЙ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир кунимиз ислохотлар шуқуҳи билан ўзгача мазмун касб этияпти.

**Фурқат ҲОШИМОВ,
Ядро тиббиёт маркази раҳбари:**

— Сўнги беш йилда тиббиёт соҳасига хусусий секторни жалб қилиш масаласига аҳамият қаратилгани, солиқлардан озод қилиш ва барча шароитларни яратиб бериш, божхона божларида имтиёзлар белгиланиши натижасида бизнинг соҳамизда ҳам тўб ўзгаришлар рўй берди.

Ядро тиббиёт маркази Урта Осиёдаги ягона марказлардан ҳисобланади. Биз позитрон-эмиссион компьютер томографиясини қўллашни 2018 йилда хусусий клиникада бошлаганмиз. Аввалига 5 киши фаолият олиб борган бўлса, ҳозирги кунга келиб, улар сони 53 нафарга етди.

Бу соҳада лаборатория ва позитрон-эмиссион компьютер томографиядан ташқари олиб борилаётган ишлар натижаларига қўра, бизга алоҳида ер ажратиб берилди. Айна пайтда бу ерда тиббиёт кластерини яратиш мақсадида 12 қаватли бино қурилмоқда.

Позитрон-эмиссион томографиядан ўтган беморлар радиология маркази, кардиология, эндокардиология, онкохирургия хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади. Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб чизикли тезлатгичнинг 4 та ва 2 та бронхотерапия аппарати ўрнатилади. Бу ҳозирги кунда 1 дона чизикли тезлатгич сони тўрт баробар ошади, деганидир.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТАРМОҚДА
КЛАСТЕР ВА КООПЕРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафоев), Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султонов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С.Ҳидоятлов), Транспорт вазирлиги (И.П.Махкамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой мuddатда мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар), қайта ишлаш корхоналари ва агрологистика марказлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари) тармоқларини таъмирлаш ва қуриш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи муҳандислик тармоқларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банкидан **100 миллион АҚШ долларигача** бўлган қарз маблағларини 2022 йил якунига қадар жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Қуйидагилар:

Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг ҳамда кластерлар томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ойлар бўйича тақсироти прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда амалга ошириладиган совиткичли сифмлар ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳўзурдаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

Агентликка сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, қўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш билан шўғулланувчи, шунингдек, “даладан-растагача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига кўмаклашиш вазибаларини юқлаш;

Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ходимлар умумий чекланган сони **4-6 нафар** штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларини ҳамда ходимлар умумий чекланган сони **2-3 нафар** штат бирлигидан иборат туманлар (Қувасой шаҳар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офисларини (кейинги ўринларда — **лойиҳа офислари**) ташкил этиш тўғрисидаги тақдирлари маъқуллансин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳўзурдаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг ходимлар умумий чекланган сони **32 штат бирлигидан** иборат тузилмаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларига:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғларни (узумзорларни) аниқлаш, уларнинг ўрнида интенсив боғлар (узумзорлар) барпо этиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича тақдирлари тайёрлаш; интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш ва очик танловга чиқаришга амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

ажратилаётган кредитлар доирасида тижорат банклари билан биргаликда мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этишга кўмаклашиш вазибалари юқлатилсин.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисла-

рига қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича жиомоний ва юридик шахсларга шартнома асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳўқуқи берилсин.

10. Белгилансинки:

Агентлик марказий аппарати учун талаб этиладиган қўшимча штат бирликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларининг штат бирликлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва унинг ҳўдудий бошкармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Агентлик, унинг ҳўдудий бўлимлари ва лойиҳа офисларининг ходимларига тегишинча Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ва ҳўдудий бўлимлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директорига Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг ҳўдудий бўлимларига шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш ҳўқуқи берилсин.

11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази билан биргаликда **икки ой мuddатда** қишлоқ ҳўжалигида инновацион биомасҳулотларни синовдан ўтказиш хизматлари тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақдир қиритсин.

12. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда **уч ой мuddатда**:

мева-сабзавотчилик **туманларини қайта қуриб чиқиб**, ҳар бир ҳўдуднинг табиий-иқлим шароити ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация) фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни;

ишлаб чиқарувчи — кластер — тайёрловчи корхона — қайта ишловчи ва экспортёрни узвий боғловчи тизимни жорий қилиш бўйича

чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

13. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Агентлик (Ҳ.М.Каримов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Р.М.Бобоев) **уч ой мuddатда**:

халқаро молия институтлари, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Академик Маҳмуд Мирзаев номдаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тизимида **Республика боғбонлар мактаби** фаолиятини ривожлантиринсин;

халқаро молия институтлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти қошида **Сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усулда етиштириш мактабини** ташкил этсин.

14. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) **икки ой мuddатда** мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан сўғурталаш хизматидан фойдаланганда сўғурта муқофоти учун тўловнинг ҳамда хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизини** қўллаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

15. **Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов)**га:

уч ой мuddатда республикада мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга мўлжалланган логистика марказларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ташкил этиш бўйича 2022-2026 йилларга

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЁВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 декабрь“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ
АСОСИЙ МЕЗОНИГА АЙЛНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Лангар ота зиёратгоҳидан кейин, Ҳисор тоғ тизмасида Майданак обсерваторияси жойлашган. Обсерваторияга бориш йўлида тоғли 8 та маҳаллада 34 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Майданак обсерваторияси денгиз сатҳидан 2700-3200 метр баландликда жойлашган, атрофидagi 9,5 минг гектар ўрмон фонди ерларининг 7,9 минг гектари қалин тоғ арчаси билан қопланган бўлиб, бетакорр табиати билан кишини ўзига ром этади.

Бу ерда фойдали минералларга бой бўлган 100 дан ортиқ табиий булоқлар бор, об-ҳавоси шаҳарларга нисбатан жуда тоза, ёз кунлари ҳарорат 20-25 даража салқинлиги билан ажралиб туради. Бу ерда 2-3 соат ухлаб дам олган одам, 10-12 соат дам олгандек бўлади.

Тан олиш керакики, мазкур маҳалларар тоғли ҳудудда жойлашгани сабабли инфратузилма, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари орқада қолган эди. Ушбу ҳудуд дам олиш зонаси, агро, эки, астрономик, тиббий туризмни ривожлантириш учун жуда қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, тоғ ёнбағирларида 20 турдан зиёд доривор ўсимликлар ўсади ҳамда сут-қатиқ маҳсулотлари шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Жорий йилда тадбиркор Зокир Рўзиев бу ерда 12 та дам олиш ўтов уларини қурди. Ҳудудга қўшни Бухоро, Навоий вилоятларидан бир марта келган меҳмон, оила аъзолари, яқин дўстлари билан яна келиб, 2-3 кунлаб дам олиб кетмоқда.

Бундан ташқари, туманимизда йод моддасига бой бўлган туз кони мавжуд бўлиб, қуқоқ касаллигига жуда шифобахш ҳисобланади. Туз кони атрофида яшовчи аҳоли ўртасида шу пайтгача бирорта қуқоқ касаллиги билан оғриган беморлар учрамаган.

Бошқа туманлардан шу касаллик билан оғриган беморлар туз горида ўтириб нафас олиш ҳисобига даво топомқда. Лекин Майданакка борувчи йўл 1980 йилларда қурилган бўлиб, 36 километрни таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди.

Президентимизнинг кечаги йиғилишда берган топшириғи асосида бу ерда меҳмон уйлари, ўтов уйлари, туз горида даволаш, фитобар, умумий овқатланиш, савдо, майиш, транспорт ва астрономик каби 20 дан ортиқ янги хизмат турларини ташкил қилишни мақсад қилдик.

Бугун юртимизда хусусий мактаб ва боғчалар қуриш бўйича ҳам катта имтиёзлар жорий қилинган. Туманимизда бу йилнинг ўзида 2 та хусусий клиника, 3 та мактаб ва 92 та хусусий боғча ишга туширилди. Бугунги кунда хусусий таълим муассасаларида таълим олган ўқувчиларнинг қарийб 85 фоизи талаба бўлди. Бу хусусий таълим муассасаларига бўлган қизиқишни янада ортирмоқда.

Жорий йилда қамашилик 1,5 мингдан ортиқ йигит-қиз олий ўқув юрти талабаси бўлди. Шу тариқа туманимиз 204 та туман ва шаҳар ичида олий таълимга кириш кўрсаткичи бўйича 10 ўринни эгаллади.

Бу борадаги ишларимизни тизимли давом эттирамиз. Хусусан, 2022 йилда 2 та замонавий хусусий клиника, 2 та хусусий таълим хизмати, 2 та ўқув маркази ва 103 та хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилади ва 300 та янги иш ўрни яратилади.

Туманимизда шу йил фаолият бошлаган “Қамаш текстил” пахта тўқимачилик кластери мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда 100 ўринли хусусий боғча ва 250 ўринли хусусий мактаб қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу муассасаларга малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида, кластер раҳбари бугун олийгоҳларда таълим олаётган 20 нафар йигит-қизнинг контракт пулини тўлаб беришни йўлга қўйди.

Қамаш туманида 940 гектар паст ҳосилли пахта ва галла майдонлари қисқартирилмоқда. Бу йил 400 гектарга яқин пахта-галла майдони қисқартирилиб, деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун аҳолига бўлиб берилмоқда. Ушбу майдонларга сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар экилади. Насиб қилса, 20 минг тоннадан ортиқ сабзавот, полиз маҳсулотлари, 300 тонна дуккакли маҳсулотлар етиштирилади. Энг асосийси, мингдан зиёд оиланинг ҳар бири ўртача 40-45 миллион сўмдан доимий даромад манбаига эга бўлади.

Бугун яратиб берилётган имкониятлардан фойдаланиб, деҳқон ҳўжаликлари ва аҳолига уруғ, қўчат, минерал ўғитларни етказиб бериш, агроҳимоя, сув тежовчи технологиялар ва минитехника билан таъминлаш, техника хизматлари кўрсатиш бўйича Агрохизмат марказлари ташкил этилади. Шу билан бирга, маҳсулотни кооперация усулида қабул қилиш, қуришти, саралаш ва қадоқлаш хизматлари йўлга қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, 4200 га яқин аҳоли истиқомат қиладиган Сарбозор маҳалласини ҳоким ёрдамчиси билан ўрганиб чиққанмиизда, савдо дўкони, сартароҳхона, қасобхона, дорихона, гузаллик салони каби 45 та асосий хизмат турларидан 20 таси етишмас-

лигини аниқлади. Ҳоким ёрдамчиси Зафар Саидов етишмайдиган хизмат турларини ташкил қилувчи ташаббускорларни хатлов жараёнида аниқлади. Келгуси йилнинг биринчи чорагида бу маҳаллада 12 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиши белгиланди.

Тумандаги 60 нафар ҳоким ёрдамчилари томонидан бугунги кунда 600 га яқин ташаббускорлар аниқланди. Уларга 13 миллиард сўм кредит ажратиш орқали маҳаллаларда 600 та хизмат кўрсатиш лойиҳаси амалга оширилиб, 1000 та иш ўрни яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйди.

Туманимизда 111 минг бош қорамол, 228 минг бош қўй-эчки ҳамда 456 минг бош парранда парваришланади. Айни пайтда уларга 11 та ветеринария бўлими хизмат кўрсатади. Бу эса талабни тўлиқ қондира олмайди. Ушбу йўналишда ёшларни ўқув курсларида ўқитиш орқали 2022 йилда 10 та ветеринария хизмати лойиҳаси амалга оширилади.

Яна бир мисол. Туманимнинг Қўшқапа ва Чим маҳалласи сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Шу йил маҳаллада тадбиркор Азамат Чориев косметология ва фармацевтика саноатида ишлатиладиган ўсимликларни етиштириб, экспорт қилувчи корхона фаолиятини йўлга қўйди.

Жорий йилда 250 та хонадонда 15 гектар майдонда гулхайри доривор ўсимлиги экилиб, 45 тонна тайёр маҳсулот йиғиштириб олинди. Ушбу маҳсулот экилган аҳоли хонадонларида 1 сотих ердан ўртача 40 килограмм тайёр маҳсулот етиштирилди. Қўшқапа ва Чим маҳалласида гулхайри етиштирадиган хонадонлар сони 2022 йилда икки баробарга кўпайтирилиб 600 тага етказилади.

Бундан ташқари, Азамат Чориев аукциондан 1,2 гектар эски МТП биноси ерини сотиб олди. Бу ерда келгуси йил гулни қабул қилиб, экспортга йўналтирадиган логистика маркази ташкил этилади. Иссиқхонада қўчат етиштириш, қуришти, қадоқлаш, сақлаш амборхонаси, меҳмонхона, офис ва юк автомашиналари учун турароҳ фаолияти йўлга қўйилади.

Қисқача айтганда, биз 2022 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 600 та лойиҳани амалга ошириш ва 2500 та иш ўрни яратишни режалаштирган эдик. Президентимиз кечаги йиғилишда белгилаб берган вазибалари ҳамда тақдим этиладиган имтиёзли кредит, субсидия, янги енгилликлар пакети ва солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда 900 та лойиҳани амалга оширишни, иш ўринини 4000 тага қисқариб, хизмат кўрсатиш кўрсаткичини 150 фоизга етказишни мақсад қилдик.

Қундалик ишимизнинг асосий мазмунига айланган “Халқни рози қилиш” деган улуг мақсадга эришиш ва “Инсон қадрини” тамойилини одамларимиз ҳаётида қўриши учун барча чораларни кўрамиз.

Бошланиши 1-бетда



Лойиҳанинг ишга тушиши 2022 йилнинг учинчи чорагида қўзда тутилмоқда. Мақсад аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган. Бу борада айни пайтда нафакат юртимиз фуқаролари, балки қўшни Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Афғонистондан мурожаатлар бўлмоқда. Бу тиббиёт туризмининг ҳам ривожлантиришга асос бўлади. Келгусида даволаш маскани ишга туширилгандан кейин уларнинг салмоғи янада ошади.

Видеоселектор йиғилишида юқлатилган вазибалардан келиб чиққан ҳолда, соҳада олиб борилаётган ишларни энди ҳўдудларга қўчирамиз. Малакали мутахассисларни жалб этишимиз. Жумладан, саратон касаллигига олдиндан ташхис қўйиш, текшириш мақсадида ускуналари ҳўдудларга ҳам ўрнатамиз.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган барча чора-тадбирлар инсонлар саломатлиги, турмуш шароитини яхшилаш ва келажақда ҳар бир қилинаётган ишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Тўра БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:

— Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 19 йўналишдаги хизмат кўрсатишни оладиган бўлсак, 16 минг 200 та хизмат кўрсатиш шохобчаси етишмайди. Агар шу соҳани тўлиқ қамраб оласак, 20 мингга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланади.

Яқин вақтда вилоятда 4 та йирик савдо мажмуаси ташкил этилади. Шу билан қарийб 11 минг фуқаронинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, 8 та туман-да йирик кўнгилочар масканлар иш бошлайди. Натижада, 2 мингга яқин фуқаро ишли бўлади.

Президентимиз, Сурхондарё вилоятига аввалги йилларга нисбатан сайёҳлар оқимининг кўпайганини эътиборга олиб, Бойсун, Сарисоё туманлари ҳамда Термиз шаҳрида аниқ йўналиш ишлаб чиқиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва интернет тармоғини ўрнатиш бўйича ечимини кўрсатган ҳолда топшириқ берди.

Бу йўналишда аниқ режаларни белгилаб олдик. Уйлаймики, бу ишларни ўз вақтида ва самарали урдаласак, халқимиз турмуш шароити бугунгидан-да фаровонлашади.

Нормат ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими вазибаларини бажарувчи:

— Хизматлар соҳасини ривожлантириш бораида Навоий вилояти катта имкониятга эга. Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳўдуднинг туризм салохиятини янада ошириш учун Тудакўлдаги 90 гектар майдонда сайёҳлар учун дам олиш масканларини очиб, Нурота туманида Сентоб туризм қишлоғини ташкил этиш, шу билан бирга, Қармана туманидаги Ориф Дегагароний мажмуасини қайта реконструкция қилиш бўйича кўрсатма берди. Бу топшириқларни, албатта, сўзсиз бажарамиз. Келгуси йилдан ҳар бир туризм масканини ривожлантирган ҳолда, бу ишга тадбиркорларни жалб қилиб, сайёҳлик салохиятини оширамиз.

Видеоселекторда қайд этилган яна бир масала — хусусий таълимни ривожлантириш бўйича ҳам вилоятимизда муайян ишлар бажарилляпти. Жумладан, Навоий шаҳрида 600 ўринга мўлжалланган хусусий мактаб ташкил этиляпти. Унда янги-ча, замонавий ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Йиғилишда, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларини очиб, магистрал йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам аниқ топшириқлар берилди. Айни пайтда бу ишларни бажаришга имкониятимиз ва салохиятимиз етади. Барча туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари билан қўйишга тушиб, маҳалла даражасида ишни йўлга қўямиз.

Президентимиз ҳар бир соҳа, йўналиш, фаолият бўйича хизматларни ривожлантиришга топшириқ бериш асосида уларга ажратиладиган маблағнинг аниқ манбаларини кўрсатиб берди. Энди биз ҳўдудларга бориб, ҳар бир маҳаллани ўрганамиз. Ихтисослашувидан келиб чиқиб, ажратилган маблағни ҳоким ёрдамчилари билан бирга маҳаллани ривожлантиришга йўналтирамиз.

Айни пайтда Навоий вилоятида 40 мингга яқин ишсиз мавжуд, 26 минг оила камбағаллар рўйхатига қиртилган. Бирок келгуси йили меҳнат бозорига 20 мингдан ортиқ фуқаро кириб келиши кутилмоқда. Шунингдек, 2022 йилда Навоий вилоятида 65 мингга яқин иш ўрни ташкил этишни режалаштирганмиз.

Муҳими, вилоятдаги 330 та маҳалланинг барчасига ҳоким ёрдамчилари тасдиқланди. Улар билан бирга барча сектор раҳбарлари ҳамроҳлигида маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кириб, турмуш даражаси ўрганилади. Ихтисослашувидан келиб чиқиб, ишсизлик даражаси қамайтирилади ва тадбиркорлик ривожлантирилади.

Алишер МИРСОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки бошқаруви раиси:

— Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида, биринчи навбатда, амалга оширилган ишлар тахлил қилинди. Ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда хизматлар соҳаси бўйича 7 ой давомидagi кўрсаткичлар қўриб қилинди.

Албатта, давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазибалар хизматлар соҳасини 2022 йилда юқори даражада оширишни талаб этади. Хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан бирга амалга оширилиши таъкидланди. Янги тайинланган ҳоким ёрдамчилари маҳаллалардаги 21 турдаги, туманлардаги 67 турдаги хизматларга алоҳида эътибор қаратади.

Хизматлар соҳасини рив

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Шундай экан, мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини ривожлантириш, уни иқтисодийётимизнинг “локомотив”ига айлантириш ЯИМни 100 миллиард доллардан ошириш ва пировардида мамлакатимиз даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратди.

Хизмат кўрсатишнинг ушбу афзалликлари инобатга олинган ҳолда, 14 декабрь кuni Президентимиз хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида 2021 йилда хизматлар соҳасида 18 триллион сўмлик 29 минг лойиҳа амалга оширилиб, хизматлар соҳаси 20 фоизга ўсганини таъкидлади. Шу билан бирга, ҳали бу соҳада ўлаштирилмаган имкониятлар кўпчилиги ва уларни амалга ошириш ишсизлигини камайтириш, аҳоли даромадини ошириш, камбағалликни кескин камайтириш имкониятини беради.

Шу боис, 2022 йилда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг камида 50 фоизга ўсишини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудларнинг нисбий устулликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини талаб этади.

Масалан, Ўзбекистонда 158 та қишлоқ туманлари, 29 та ўрта ва йирик шаҳарлар, 6 та йирик туманлар ҳамда чегара олдида жойлашган 25 та туман мавжуд. Шу боис, аҳоли сони, географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятдан келиб чиқиб, ҳудудларда хизматлар 3 та йўналишда ривожлантирилади. Бунда, янги ёндашув асосида ҳар бир туман ва шаҳар кесимида алоҳида дастур ишлаб чиқилади.

Бекиёс маданияти, гўзал табиати ҳамда бетакрор тарихий обидаларига эга Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Жаҳон туризм ташкилоти томонидан Самарқанд шаҳри 2022 йил учун бутунжаҳон туризм пойтахти, деб эълон қилинди ва Ўзбекистон тарихида биринчи марта Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеясига мезбонлик қилади.

Ҳозирги пандемия даврида кўплаб мамлакатларда ички туризмини ривожлантиришга устуворлик берилмоқда. Масалан, ташқи туризм бўйича дунёда етакчи бўлган Хитойнинг ички туризм харажатлари ташқи туризмга нисбатан бир неча қарра юқоридир. Қўшни давлатларда, масалан, Қозғистонда жами сайёҳларнинг 85 фоизини маҳаллий аҳоли ташкил қилса, Қирғизистонда бу кўрсаткич 75 фоизга етади.

Ўзбекистонда деярли барча ҳудудларда ички туризмини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Масалан, Тошкент вилоятида — Бўстонлиқ ва Паркент, Жиззах вилоятида — Зомин ва Бахмал, Қашқадарёда — Китоё, Қамашини ва Шаҳрисабз, Навоийда — Нурута, Самарқандда — Ургут, Сурхондарёда — Бойсун ва Сарисомёе каби кўплаб жойлар бор. Биргина Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманида 16 санаторийнинг қайта тикланиши ҳисобига 1,5 минг киши иш билан таъминланиши мумкин. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида енгил қонструкциялардан фойдаланган ҳолда туристик базалар ташкил этиш



орқали 8 мингга яқин фуқарони иш билан таъминлаш имкони бор. Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида даволаш-соғломлаштириш туризми доирасида минерал сув ҳўжаллигини ривожлантириш ҳисобига минглаб иш ўринлари яратса бўлади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ҳозирда мамлакатимизда туризм салоҳияти юқори бўлган 45 та ҳамда 40 та тоғли ва тоғолди туманлар ривожига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳудудларда йўл, коммунал хизматлар, мобиль алоқа ва тезкор интернет масалалари туфайли туризм имкониятларидан фойдаланиш чекланмоқда. Масалан, биргина Шаҳрисабз туманининг Навруз, Мираки, Оқдарё ва Ҳисор ҳудудларига йилига 500 мингга яқин сайёҳ ташриф буюради. Лекин йўл, мобиль алоқа ва интернет, меҳмонхона, умумий овқатланиш инфратузилмаси ривожланмагани боис, сайёҳлар бир кунга келиб кетмоқда.

Ушбу қишлоқларга олиб боровчи 65 километр йўлни таъмирлаб, интернет, мобиль алоқа ва коммунал инфратузилма масалалари ҳал қилиб берилса, туризм хизматлари 3-4 баробарга ошади. Бу орқали 45 та қишлоқда минглаб меҳмон уйлари, меҳмонхоналар, овқатланиш ва савдо шохобчаларини ташкил этса бўлади. Бундан ташқари, минглаб одамларнинг бандлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Худди шундай, йўл инфратузилмасининг таъмирланмагани туфайли Қамашида жаҳонда саноқли ва ноёб бўлган Майданак обсерваторияси ҳамда XIV аср ёдгорлиги ҳисобланган “Лангар ота” масжидининг сайёҳларни жалб қилиш имкониятлари ҳам чекланмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида йирик туризм объектларига олиб боровчи йўл, мобиль алоқа, интернет, меҳмонхона, ва коммунал инфратузилмалари давлат томонидан таъминланади.

Бундан ташқари, сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган туманларнинг “мастер режа”лари ишлаб чиқилиб, ерлар тадбиркорларга тайёр лойиҳа билан аукционга чиқарилади. Бу ишлар учун дастлабки босқичда, яъни 2022 йилда 200 миллиард сўм маблағ ажратилади. Шу билан бирга, келаётган йилда сайёҳлик ҳудудларида инфратузилмани яхшилашга 100 миллион доллар жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини рағбатлантириш мақсадида янги чоралар эълон қилинди. Бунда:



— янги меҳмонхона, дам олиш масканлари учун мол-мулк ва ер солиғи 3 йил давомида 2 баробар паст ставкада тўланади;

— туризм соҳаси учун махсус солиқ режими жорий этилиб, 3 йил давомида айланмадан олинмаган ва ижтимоий солиқ 1 фоиз ставкада, мол-мулк ва ер солиқлари эса ҳисобланган суммадан 1 фоизи миқдоридда белгиланади.

Келаётган йилдан бошлаб оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида, меҳмон уйлари ташкил этиш ва таъмирлаш учун ҳам, имтиёзли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Бундан буён сайёҳлик салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида туман ва шаҳарлар танлаб олиниб, уларда махсус солиқ режими жорий қилинади.

Барчамизга маълумки, ҳозирги давр сайёҳлик объектларида сифатли алоқа ва интернет тармоғи

бўлмаслиги уларнинг жозибadorлигига салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида барча алоқа операторларининг станциялари бўлмагани туфайли кўпгина сайёҳлик манзилларида мобиль алоқа ва интернет хизматлари сифати талаб даражасида эмас.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йилда қишлоқларда янгидан ўрнатиладиган алоқа оператори станциялари мол-мулк ва ер солиғидан озод этилиши, алоқа операторларига базавий станциялардан биригаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилиши таъминланади. Ушбу чора мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мобиль алоқа ва интернет хизмати кенг тарқалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Саноати ривожланган 27 туманда аҳолининг даромад даражаси инобатга олинган ҳолда, савдо, умумий овқатланиш, логистика, меҳмонхона, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканлар хизматларини ривожлантиришга устуворлик берилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 200 миллиард сўм ажратилади.

Мисол учун, биргина Оҳангарон туманида 2022 йилда йирик қурилиш материаллари кластерлари ишга тушиши ҳисобига, логистика, қурилиш, аутсорсинг, экспертиза, савдо ва овқатланиш, меҳмонхона каби хизматларга талаб камида 2 баробар ошади. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш туманнинг иқтисодий ўсиши ва ишсизлиқни пасайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Худди шу каби, Ўзбекистон туманида ҳам умумий лойиҳа қиймати 545 миллион долларлик 11 та цемент, гипсокартон, газоблок, темир-бетон, металл буюмлар, қуруқ қоришмалар корхоналари ишга тушади. Бу туманда хизматлар соҳасига талаб камида 25-30 фоиз ошишига олиб келади.

Шу боис, туманнинг Шўрсув, Даҳана, Карим-обод ҳудудларида камида 100 та савдо, умумий овқатланиш, машиий хизмат объектлари, йирик логистика маркази, 20 та техник хизмат кўрсатувчи корхона ташкил этиш орқали минглаб иш ўрни яратиш имкони яратилади. Шунингдек, янги саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарига кадрлар тайёрлаш, уларни янги технологияларга ўқитиш тизимини йўлга қўйиш орқали, касбий таълим ва ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини ҳам 50 фоизга ошириш мумкин.



сициялар олиш бўйича масъул бўлади. Туманнинг 2 та марказий кўчасида 100 дан зиёд савдо, овқатланиш, дорихона ва бошқа хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш режа қилинган.

2022 йилдан бошлаб мамлакатимизда марказлашган уй-жой қурилишига эътибор янада кучайтирилади. 2022 йилда юртимиз бўйлаб 21 та қишлоқ туманларида 10 минг оила учун “Янги Ўзбекистон” массивлари, мактаб, боғча ва тиббиёт масканлари қурилади. Ушбу янги массивларда 21 турдаги зарур хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳудудларида бандлиқни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда 85 та чегара олди ҳамда ҳудудидан халқаро автомагистраль ва темир йўллар ўтган 99 та туман савдо ва логистика хизматлари кўрсатишга ихтисослашади. Мисол учун, Ёғиздўвон туманидан ўтган “А-380” халқаро автомагистраль йўли ёқасида жойлашган 245 та аҳоли уй-жойларининг 1-қаватида хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйиш орқали минглаб одамлар бандлигини таъминлаш мумкин. Буни амалга ошириш учун банклар томонидан уйлارни қайта қуриш ва мослаштиришга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бугунги кунда магистраль йўл бўйи сервис объектлари бўйича барча халқаро автомобиль йўллари атрофида, хорижий лойиҳачиларни жалб этган ҳолда, йўлбўйи хизматларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Охириги 5 йилда мамлакатимизда магистраль йўлбўйи ва чегара олди ҳудудларида логистика хизматларини ривожлантириш имконияти кенгаймоқда. Масалан, Ёғиздўвонда 34 гектар майдонда Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қашқадарёнинг боғловчи вилоятлараро улғуржи савдо марказини қуриб, 5 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирда Тошкент шаҳрига катта ҳажмли машиналарда кунига 130 минг тонна юк кириб, чиқади. Бу пойтахтда тирбандлик, йўллар сифати ва ҳавонинг тозаллигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. 2022 йилда Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ ва Тошкент туманларида юк таксимловчи йирик улғуржи савдо логистика марказларини қуриш орқали бу масала ҳам ўзининг ижобий ечимини топади.

Тошкент туманидаги “Ёишткўприк” божхона постини кенгайтириш, 11 километр йўл бўйини замонавий қўёғага келтириш, 400 гектар майдонда савдо ва логистика марказини ташкил этиш ҳисобига, кунига 5 мингта юк транспорти, 35 минг кишига хизмат қиладиган инфратузилма яратилади. Мазкур лойиҳа мамлакатимиз ташқи савдо потенциалини оширувчи катта қадам, десак муболага бўлмайди. Шу билан бирга, юртимизга келиб кетувчи зияратчиларга қўлайлиқлар яратиш мақсадида барча қўшни давлатлар билан чегара ўтказиш пунктлари ва уларга борадиган йўлларни ўрганиб, сервис инфратузилмасини тўдан яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш топширилади.

Мамлакатимизнинг 29 та ўрта ва йирик шаҳарлари ҳамда аҳолиси 300 мингдан ортиқ бўлган 6 та туманида хизматлар соҳаси алоҳида ёндашув асосида ривожлантирилади.

Барчамизга маълумки, ушбу шаҳар ва туманларда хизматлар қўламини кенгайтириш учун, энг долзарб масала бу — жой ажратиш ҳисобланади. Лекин бу шаҳарларда минглаб қўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, нотузар объект сифатида уларнинг 10 фоизидан ҳам фойдаланилмаётган. Ваҳоланки, аҳолига хизмат кўрсатиш учун энг қўлай жой — қўп қаватли уйларнинг биринчи қавати ҳисобланади.

Айни пайтда шаҳарларда қўп қаватли уйлар ертўлалари ҳам деярли бўш турибди. Ушбу резервлардан фойдаланиш учун янги қуриладиган қўп қаватли уйлар ертўласида хизмат кўрсатиш имкониятларини яратиш бўйича қурилиш нормаларига ўзгартиришлар киритилади ва хонадонларни нотузар объектга айлантиришнинг содда-лаштирилган механизми ишлаб чиқилади. Бунда тадбиркорларимизга қўлайлиқ яратиш мақсадида керакқис бюрократияни олиб ташлаб, ёнгин хавфсизлиги ва санитария бўйича аниқ талаблар белгилаб берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари вилоят ҳокимларига йил якунига қадар 35 та туман ва шаҳарда енгил қонструкцияли объектлар учун камида 100 тадан ер участкасини аукционга чиқариш вазифасини қўйди.

Шаҳарлар ва йирик туманларда аҳоли даромадларининг кенгайтириш аҳолига катта имконият ва енгилликлар яратади. Мазкур хизматлар турларини ривожлантириш мақсадида аҳоли эътиёжини инобатга олган ҳолда, 100 та қўлай ер майдонларини белгилаб, мактаб ва боғча қуриш шарти билан, аукцион орқали тадбиркорларга берилди. Шулар қаторида 2022 йилда шаҳарлар ва йирик туманларда бошланадиган Урганчдаги Паҳлавон Маҳмуд ва Хивадаги аллея ҳудудларида “Туризм кўчаси”, Бухоро шаҳрида “Тиббиёт шаҳарчаси”, Гулистон шаҳрида тиббиёт, Гулистон ва Янгирда таълим ва тарбия кластерлари, Қўқон шаҳрида савдо ва транспорт-логистика маркази, Андижон ва Нурафшонда тез юрак транспорт тизимлари ушбу ҳудудлардаги хизматлар соҳаси ривожини янги босқичга олиб чиқади.

Келгуси йилда 35 та туман ва шаҳарда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари, йирик савдо маҳмуаларини ташкил этиш учун 200 миллион доллар йўналтирилади ва хизмат кўрсатиш соҳасида 200 минг иш ўрни яратилади.

Президентимиз томонидан мамлакатимизнинг энг йирик Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида юқори даромадли хизматларни ривожлантириш алоҳида дастур асосида амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида миллий ва замонавий санъат, жумладан, рассомлик, ҳайкалтарошлик, театр, маком, опера, эстрада йўналишларида дунёга танилган мактаблар мавжуд. Шаҳар ҳудудида санъат, рассомлик, ҳайкалтарошлик, хунармандчилик вакиллари кенг жалб қилиб, йирик “санъат кўчалари”ни яратиш шаҳарлар жозибadorлигини оширади. Бугунги кунда бу соҳа вакилларига махсулотини сотиши учун шaroитлар етарли эмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

Бундан ташқари, Чифатой маҳалласида миллий таомлар тайёрлаш аъёналарини тиклаш орқали, нафақат ички, балки минтақавий гастронимик туризмини ривожлантириш имкониятини мавжуд. Тошкент шаҳридаги 10 дан ортиқ музейни қайта таъмирлаш орқали уларнинг жозибadorлигини ошириш ҳисобига ҳам йилига 500 мингдан зиёд сайёҳлар учун янги маршрутларни ташкил этса бўлади. Ушбу мақсадда 2022 йилда Франция, Италия, Туркиядан реставратор ва музей иши мутахассисларини жалб қилиб, барча музейларни замонавий қўёғага келтириш ва ноёб экспонатларни намойиш этиш йўлга қўйилади.

Таълим ва тиббиёт муассасалари жойлашган ҳудудларда бошқа хизматларни ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Шу йилнинг ўзида 40 мингдан ортиқ чет эл фуқаролари тиббиёт хизматларидан фойдаланиди. Тошкент, Наманган ва Самарқандда ядро медицинаси маркази, нейро ва кардиохирургия, стоматология, косметология клиникаларини ташкил этиш бўйича тадбиркорларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланган ҳолда, молиявий ва бошқа қўмақлар берилди.

Яна бир масала — Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларда “Такс фри” тизимини жорий этиш, шаҳар ичида “Дюти фри” дўканларини очиб орқали чакана савдо ҳажмини 2-3 баробарга ошириш имконияти яратилади. Умуман, хорижий меҳмонларга харидлари учун қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими барча сайёҳлик шаҳарларида йўлга қўйилади.

Замонавий тиббий хизматларнинг ривожини аҳолимизга қўлайлиқ яратиши билан бирга, тиббий хизматлар экспортига ҳам катта туртки бўлмоқда. Шу боис, хусусий тиббиёт учун берилган солиқ ва божхона имтиёзлари муддати яна икки йилга узайтирилади.

Мамлакатимизнинг тарихий маркази Самарқанд шаҳрида 400 минг квадрат метр бўлган 7 та ва Наманган шаҳрида 200 минг квадрат метр бўлган 3 та йирик савдо ва хизмат кўрсатиш маҳмуалари фаолияти йўлга қўйилади.

Умуман, 2022 йилда Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида хизмат кўрсатиш соҳасида 750 минг иш ўрни яратилади ва мамлакат бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида лойиҳаларни амалга оширишга 500 миллион доллар ажратилади.



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон – Жанубий Корея:
АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Айни пайтда жанубий корейлик ҳамкорлар билан бирга мамлакатимизда АКТ соҳасида замонавий электрон ҳукумат тизимини яратиш, IT таълимни такомиллаштириш, телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Мана шундай соҳалардаги муҳим лойиҳалар ва муштарак интилишлар самарасида икки давлат ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланмоқда.



Шерзод ШЕРМАТОВ,
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири

Корея Республикаси саноатлаштиришни нисбатан кеч бошлаганига қарамай, сиёсий йўлини ахборот технологияларига мос равишда белгилаб, уни амалда қўлади ва ҳозир рақамли технологиялар давлат рақобатбардошлигининг асосини ташкил этади. Рақамли технологиялар давлат хизматлари фаолиятини сифат жиҳатидан ўзгартириб, фуқароларни ҳар қандай ўзгариш ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш, қолаверса, улар фаолиятининг шаффофлигини ошириш имконини беради.

Шу тарика давлат бошқарувининг янги модели — электрон ҳукумат тизими шакллантирилди. Ушбу тизимда барча давлат хизмати виртуал тарзда, вақт ва маблагни тежаган ҳолда кўрсатилади. Мамлакатда электрон ҳукумат ривожланиши анча йиллар олдин бошланган бўлиб, ўтган давр мобайнида бой тажриба тўпланган. Бугун Жанубий Корея электрон ҳукумат соҳасида тан олинган етакчи давлатлардан бири. Унинг муваффақиятли ишланмаларидан қўлаб мамлакатлар кенг фойдаланмоқда. Шу билан бирга, Корея Республикасидаги ушбу ислохотлар БМТ баҳолаш рейтингларида бир неча бор биринчи ўринда қайд этилган.

Бугун рақамли ислохотларни ўз вақтида амалга оширган давлатлар сунъий интеллект технологиялари, катта маълумот базалари, булутли технология, 5G технология каби долзарб соҳаларда устуворлигини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси мутахассислари иштирокида мамлакатимиз телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари, ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари комплексларини яратиш чора-тадбирларини ўз ичига олган Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ишлаб чиқилди. Бу эса миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилишида жанубий корейлик ҳамкорларимизнинг ҳиссаси катта.

Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришдаги муштарак интилишлар

Жанубий корейлик мутахассисларнинг мамлакатимизда рақамли технологияларни ривожлантириш борасидаги тажрибасида фаол иштирок этаётгани, электрон ҳукумат ва IT таълим соҳасидаги йирик лойиҳаларни жорий этишда бевосита ҳамкорлик қилаётгани ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончнинг юксаклигидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида электрон ҳукумат инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Ўтган давр мобайнида чет эллик экспертлар қўмағида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

2020 йилдан бошлаб эса электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон — Корея эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги устувор вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу ҳамкорлик уч асосий йўналишни қамраб олган.

Биринчиси — Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш. Ҳозир жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтиш суръатини тезлаштириш мақсадида саноатда сунъий индрок иштирокини оширмоқда. Сунъий индрок мавжуд технологиялардан анча манфаатли ва самарали бўлиб, иқтисодий ўсish ҳамда ижтимоий ривожланиш сари етаклайди. Шунингдек,

ҳамкорликда ташкил этилган ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида сунъий индрокдан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқмоқда. Бу сунъий индрокни ривожлантириш усулларини белгилашда амалий кўмак вазифасини ўтайди.

Иккинчиси — БМТнинг электрон ҳукуматни баҳолашни такомиллаштириш стратегияси. Ўзбекистон БМТнинг 2020 йилги электрон ҳукуматни баҳолаш рейтингига 87-уринини эгаллади. Ушбу баҳолаш тизимида янада юқори поғонани эгаллаш учун Жанубий Корея тажрибасига асосланган ҳолда, керакли жиҳатлар ўрганиб чиқилиб, қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган режа ва таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Учинчиси — IT марказлар самарадорлигини ошириш. Жорий йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 205 та IT ўқув маркази ташкил этилди. Ушбу марказларда Ўзбекистоннинг рақамли трансформацияси учун керакли бўлган иқтисодий эгалари юқори ва сифатли таълим олмақда. Шу билан бирга, рақамли ривожланишда ҳудудлардаги узилтиш муаммосини IT марказлар орқали бартараф этиш учун самарали ишлар бажарилмоқда.

Юртимиз аҳолисининг яримдан кўпини ташаббускор ва меҳнатга лаёқатли ёшлар ташкил этади. Рақамлаштириш жараёнида улар қанчалик фаол иштирок этса, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги шунча ортади.

Жорий йилда “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамкорлик” мавзусида семинар ҳамда Ўзбекистон — Корея Республикаси электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳам-

“

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ТАРМОҚЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ, АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. БУ ЭСА МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС ВАЗИФАСINI ЎТАМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА, ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ ИШГА ТУШИРИЛИШИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК ҲАМКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАСИ КАТТА.

корлик форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унга бўйсунувчи корхоналар вакиллари ҳамда Корея Республикасидан Фан ва ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги, Таълим вазирлиги, Ер ресурслари, инфратузилма ва транспорт вазирлиги, Маданият, спорт ва туризм вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги ва Корея институти раҳбарлари иштирок этди. Вебинарда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлиги доирасидаги вазифаларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси, таълим ва маданиятда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, минтақавий ахборотлаштириш бўйича “Ахборот шаҳарчаси” лойиҳаси, шунингдек, электрон ҳукумат соҳасидаги бизнес ва бошқаруви баҳолаш масалалари муҳокама қилинди.

Мутахассисларни ҳамкорликда тайёрлаш истиқболи

Президентимизнинг 2017 йили Корея Республикасига расмий ташрифи доирасида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) учун интеграциялашган университет тизимини ташкил этиш ва тақдим этиш грант лойиҳаси ҳам муҳокама қилинган эди. Шунга асосан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам интеграциялашган таълим тизимлари доирасида дастурий ва техник жиҳозлар модернизация қилинмоқда.

Университет Корея Республикасининг АКТ соҳасидаги қўлаб олий ўқув юртлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйган. Улар орасида Корея илгор фан ва технологиялар институти (KAIST), Сеул миллий университети (SNU), Йеоннам университети (YU), Кيونг-Хи университети, Ахборот-коммуникация университетлари ҳам бор.

Бугун ТАТУ тасарруфида Жанубий Корея ҳукуматининг техник ёрдами билан ташкил этилган ахборотдан фойдаланиш маркази — Ўзбекистон — Корея ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида ТАТУ ва филиалларининг 115



нафар ўқитувчиси Жанубий Кореянинг етакчи иқтисослашган университетларига малака оширишга юборилди.

ТАТУ ва KOICA ҳамкорлигида кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича ўқув семинарлар ташкил этилди. Уларда талабалар 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчидан инфратузилмани бошқариш учун LMS/SIS тизимидан фойдаланиш, умумий ўқув дастурини тузиш ва режалаштириш, таълим жараёнини инновация технологиялар ёрдамида рақамлаштириш, шакллантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш, ўқув дастурлари ва таълим мазмунини, рақамли менежмент, электрон таълим тизими, медиамарказларни бошқариш, электрон таълим платформалари учун таълим мазмунини шакллантиришда илгор ечимлардан фойдаланиш, масофавий ўқитиш каби қатор долзарб мавзулар бўйича маълумот олишди.

да билим ва тажриба алмашишга қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги ўртасида 2020 йилда имзоланган меморандум доирасида электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон — Корея Республикаси экспертлар гуруҳи фаолияти натижалари ҳам тақдим қилинди. Шунингдек, келгусида бажариладиган ишлар белгилаб олинди.

Шу йилнинг 30 ноябрида Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида Корея Республикасининг Миллий ахборот агентлиги жамияти билан ҳамкорликда Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.

Бундан ташқари, Корея Республикаси ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликдаги тадқиқотлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, электрон ҳукумат доирасидаги халқаро рейтингларда юртимиз нуфузини юксалтириш ва мамлакатимизда Маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш борасида техник ёрдам кўрсатишда амалий иштирок этмоқда. Ажратаётган бераз қўмаги орқали юртимизда АКТ таълим тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Оптик толали кабель ишлаб чиқарилмоқда

Бугунги кунда “Global Optical Communication Co Ltd” компаниясининг Жиззах вилоятидаги “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида оптик толали кабеллар ишлаб чиқаришга иктисослашган “Global Optical Communication Uzbekistan” МЧЖ қўшма корхонаси фаолият юритмоқда.



Қўшма корхонага 2019 йилда “O'zbektelekom” АК ва Жанубий Кореянинг “Global Optical Communication Co Ltd” ва “Uni Asset Global Co Ltd” компаниялари билан берилаётган асос солинган. 2020 йилда биринчи босқичда қўшма корхонанинг “Жиззах” ЭИЗдаги биносидан тайёр махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда “Оптик толали алоқа кабеллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” лойиҳаси “Global Optical Communication Uzbekistan” МЧЖ ҚҚ томонидан 2 та босқичда амалга оширилмоқда: — қўшма корхонага “O'zbektelekom” АКнинг улущи сифатида киритилган “Жиззах” ЭИЗ ҳудудидаги 1,6 гектар майдон ва ундаги ишлаб чиқариш бино-иншоотларига ускуналар келтириб, ўрнатилди. Ўрнатилган ускуналар йилига импорт ўринини босувчи 20 минг километр оптик толали алоқа кабелли ишлаб чиқариш бошланган эди.

— “Жиззах” ЭИЗ ҳудудидан белгиланган тартибда қўшимча 4,5 гектар ер майдони ажратилган. Ушбу майдонда импорт ўринини босувчи 30 минг километр оптик толали алоқа кабелли чиқариш қувватига эга комплекс қурилиб ишга туширилди.

Бугунга келиб қўшма корхона томонидан йилига 50 минг километр оптик толали алоқа кабелли ишлаб чиқарилмоқда.

“GOC-UZ” янги ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон телекоммуникация инфратузилмасини аввал хорижий валютага сотиб олинган махсулотлар билан таъминлаш масаласини ҳал этибгина қолмай, юздан ортиқ иш ўрни яратиб, Жиззах шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳам иш билан таъминлайди.

Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий, юқори тезликдаги ва ишончли телекоммуникация тармоғи зарур. Ўзбекистон мис алоқа линияларидан оптик толали алоқа линияларига фаол тарзда ўтмоқда ва бу телекоммуникация тармоқларининг ишончилиги ва тезкорлигини таъминлаш баробарида сифатини ҳам оширади.

Самарали шериклиكنинг бош муҳим қирраси

Шу йил январь ойида Ўзбекистон ва Корея Республикаси Президентларининг видеоселектор шаклида бўлиб ўтган учрашуви натижаларига кўра, ҳамкорликка дахлдор стратегик масалалар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги шериклик муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар, хусусан, рақамлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унга мувофиқ, Ўзбекистонда “актли” инновацион заводлар, фермер хўжаликлари ва шаҳарлар ташкил этиш, рақамлаштирилган соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш кўзда тутилган.

Жанубий Корея делегациясининг “Ўзбекистонда миллий геоахборот тизими учун фазовий маълумотларни стандартлаштириш ва улардан фойдаланиш” гранти лойиҳаси доирасида юртимизда ташрифи чоғида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси бўйича амалга ошириладиган электрон ҳукумат лойиҳалари ва давлат органларида ахборот тизимларини ишлаб чиқишни ривожлантиришга доир масалалар ўзаро муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси Президентларининг ўтган йил октябр ойида ўтказилган саммити доирасида раҳбарлар алоҳида стратегик шериклиқни янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, доимий сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ва парламентлараро алмашинувни фаоллаштириш, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш учун икки томонлама тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича келишувларга эришилди. Олий, касб-ҳунар ва мактабга таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектиларини рақамлаштириш ва тиклаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг жорий ва истиқболли дастурлари қўриб чиқилди. БМТ ва бошқа халқаро

тузилмалар, шунингдек, “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасида юқори технологиялар, “яшил” ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги дастурларни илгари суриш бўйича қийн ҳамкорлик давом эттирилади.

Бугун икки мамлакатнинг дўстлик ва кенг қўламли шериклик ришталарини мустаҳкамлашга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини халқларимиз манфаатига мос келадиган янги сифат босқичига олиб чиқишга, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантиришга қатъий интилишини кўриш мумкин.

Келгусида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ҳукумат даражасида янада яхшиланиб, ўзаро махсус стратегик ҳамкорликка мувофиқ рақамли соҳадаги хусусий корхоналар ўртасида ҳам ўзаро алоқалар йўлга қўйилади ва шериклиқнинг янги босқичига қадам қўйилади.

Аминмани, мамлакатимиз ҳам тез орада рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида жаҳон рейтингига юқори ўринни эгаллаб, ривожланган мамлакатлар билан рақобатлаша оладиган салоҳияти давлатга йўналибди.

Ўзбекистон – Жанубий Корея: Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик – алоҳида стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари

Бошланиш 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарди. Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали aloқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битим, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган битим ва келишувларга эришилди. Энг муҳими, Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади.

2019 йил апрель ойида эса, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ушбу ташриф натижасида икки мамлакат компания ва ташкилотлари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш мақсадида умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган битим ва келишувларга эришилди. Энг муҳими, Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида аяқдан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Жанубий Кореянинг глобал хавфсизлиқни таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган Корея ярим оролидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган тинчликсевар сиёсатини маъқуллайди.

Ўз навбатида, Сеул ҳам 2018 йил БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган иккита ҳужжат, яъни “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”, “Матрифат ва диний баргикенглик” резолюцияларини ҳамда 2021-2023 йиллар давомида Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига номзодини қўлаб-қувватлади.

Жанубий Корея Ўзбекистон ташқи савдосида юқори улушга эга бўлган давлатлардан биридир. Хусусан, 1992 йилда имзоланган савдо битимига мувофиқ, мамлакатлар ўртасида энг қулай режим ўрнатилган. Йилдан-йилга ўсиб бораётган савдо-иқтисодий aloқалар мустаҳкам пойдеворга эгалиги билан акралиб туради.

2020 йил якуни бўйича икки томонлама савдо айланмиси 2 миллиард 140 миллион доллардан ошди. 2021 йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 1,53 миллиард долларни ташкил қилди.

Томонлар инвестицион ҳамкорлик бўйича ҳам улкан ютуқларга эришиб келмоқда. Хусусан, 1992-2021 йиллар мобайнида Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Ушбу мамлакат сармоялари

иштирокидаги корхоналар сони эса 900 дан ошиб, улардан 550 га яқини юз фоиз хориж капитали иштирокида шакллантирилган. Ушбу корхоналарнинг фаолияти, асосан, енгил sanoat, oзиқ-овқат, кимё, машинаsozлик ва металлга ишлов бериш, уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, савдо, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослашган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётига Корея миллий нефть корпорацияси (KNOC), Корея газ корпорацияси (KoGas), “Daewoo International”, “Korean Air”, “Shindong Enercom”, “Haintex”, “LG”, “Hanshin Engineering&Construction”, “BOMI E&C”, “Myung Sung Placon” каби йирик компаниялар инвестиция киритган.

Молия-техникавий кўмак соҳасида Жанубий Корея Эксимбанкнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) йўналишидаги ҳамкорлик ҳам эътиборга молик. EDCF билан биргаликда 2014-2020 йилларда 727,5 миллион долларлик 9 та лойиҳа, 2021-2023 йилларда 1,1 миллиард долларлик 8 та лойиҳа таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сув ва иссиқлик таъминоти, йўл қурилиши каби йўналишларда амалга оширилади.

Фармацевтика кластери, Кимёвий технологиялар маркази ва Тиббиёт кластери каби лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

KOICA ёрдамида Ўзбекистонда қиймати 130 миллион долларга тенг бўлган 32 та лойиҳа амалга оширилди ва Жанубий Кореяда ўзбек мутахассислари учун 2 мингдан ортиқ амалиёт курслари ташкил этилди. 70 дан ортиқ эксперт ва KOICAнинг 500 дан ортиқ кўнгилчилари Ўзбекистонда таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширди.

KOICA билан техник ҳамкорлик доирасида 2021 йилда Ўзбекистонда малака ошириш, бизнес-инкубаторлар яратиш, тиббиёт ва тadbиркорлиқни ривожлантириш йўналишларида умумий қиймати 36,9 миллион долларлик 5 та янги грант лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ташқи савдо айланмасининг номунасосиблилиги тенглаштириш ҳамда экспорт-импорт операциялари номенклатурасини диверсификация қилиш мақсадида икки давлат ўртасида Эркин савдо тўғрисида битим имзолашни бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида кўмаклашмоқда.

Икки мамлакат муносабатларида парламентлараро aloқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Ўтган давр мобайнида парламентларимиз тажрибасини ўзаро ўрганиш, биргаликда халқаро конференциялар ўтказиш, мунтазам равишда делегациялар алмашинувини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.



Хусусан, 2017 йил сентябрь ойида Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг ўша вақтдаги Спикери Чон Сэ Гюн бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлган эди. 2018 йилда Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилигидаги Олий Мажлис қўйи палатаси делегацияси, 2019 йил Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева расмий ташриф билан Корея Республикасида бўлди.

Жорий йил апрель ойида Корея Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан қатор учрашувлар ўтказилгани парламентлараро aloқаларни янги bosқичга кўтарди. Биринчи марта Жанубий Корея парламенти делегацияси тўлиқ таркибда Ўзбекистон раҳбари томонидан қабул қилинди.

Июнь ойида “Жанубий Корея — Ўзбекистон” парламент дўстлик ассоциациясининг янги таркиби билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи янги таркиби ўртасида биринчи мулоқот ўтказилди.

Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. 2007 йилдан буён давлатларимиз ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бандликка рухсат бериш тизими бўйича 34,7 мингдан ортиқ юртошимиз Жанубий Кореяга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилди. 2018 йил сентябрь ойида Кванжу шаҳрида Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Жанубий Кореяда Бандликка рухсат бериш тизими бўйича 9,8 мингга яқин ўз-

бекистонлик меҳнат қилмоқда. Ҳар йили Корея ҳукумати Ўзбекистонга 3-3,2 минг киши учун квота ажратди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналишида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, таълим соҳасида Тошкентда 1992 йилдан бошлаб Корея таълим маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасасида, 48 та мактаб ва лицейида корейс тили ўргатилади.

Маҳаллий олий билим юртлари Жанубий Кореянинг 50 дан ортиқ университети, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Корея Республикасининг 5 та олий таълим муассасасининг филиаллари очилган. Хусусан, Тошкент шаҳрида Инха, Аджу, Пучон университетлари ва Ёджу техника институти, Фарғона шаҳрида Корея халқаро университети муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ушбу олий таълим муассасаларида юртимизда талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича халқаро таълим стандартларига мос Корея Республикасининг ўқув дастурлари асосида кадрлар тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида ҳозирга қадар юртимизнинг 400 дан ортиқ тиббиёт мутахассиси Жанубий Кореянинг етакчи клиника ва марказларида малака ошириб қайтди. 2019 йил апрель ойида соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлик маркази ташкил этилди.

Ўтган йили EDCF жамғармаси кўмагида Тошкентда қиймати 130 миллион долларлик энг замонавий Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда қиймати 300 миллион долларлик Катталар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Онкологик клиника қурилиши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Икки давлат ўртасида маданият соҳасида aloқалар ҳам изчил давом этмоқда. 2014 йилда Тошкентдаги “Дўстлик” боғи ҳудудининг бир қисмида Сеул боғи ташкил этилди. 2018 йил октябрь ойида Сеулда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги ўтказилди.

2019 йил апрель ойида Тошкентда Корея маданияти ва санъати уйи ўз фаолиятини бошлади. Тошкент кўчаларидан бири Сеул деб номланди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан миллий маданий мерос объектларини сақлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини ҳам қайд этиш жоиз. Ушбу йўналишдаги фаолиятда замонавий информацион технологияларни татбиқ қилиш катта истиқболга эга эканини ҳисобга олиб, Жанубий Кореянинг “EGIS” компанияси билан ҳамкорликда Бухоро шаҳридаги тарихий обидалардан бирининг рақамли нусхасини яратиш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад — тарихий ёдгорликларни сақлаш ва бошқариш ишларини замон талаблари асосида ташкил қилиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий туристлар учун махмуа бўйлаб виртуал саёҳат қилиш имкониятини яратишдан иборат. Агар ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, истиқболда бошқа шаҳарларда ҳам 3D технологиялари ва географик маълумотлар ёрдамида маданий мерос объектларини рақамлаштириш давом эттирилади.

Ўзбекистонда “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, ҳунармандчилик ва фольклор санъати фестиваллари ҳамда мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тadbирлар мунтазам тарзда ўтказилади ва уларда Жанубий Корея вакиллари фаол иштирок этади.

Туризм соҳасида 2018 йил 10 февралдан буён Ўзбекистонда Корея Республикаси фуқаролари учун 30 кунга қадар визасиз режим жорий этилди. 2019 йилда Жанубий корейлик машҳур актриса Ли Ён Ё Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги сайёҳлик элчиси этиб тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, дипломатик aloқалар ўрнатилгандан буён Корея Республикаси барча йўналишларда, хусусан, иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларда, халқаро масалаларда Ўзбекистоннинг синалган ва ишончли ҳамкорига айланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий жабҳаларда кенг aloқаларни йўлга қўйиш Жанубий Корея манфаатларига ҳам тўла мос келади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга 16 декабрь куни бошланётган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда муҳим bosқич бўлади ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик aloқаларини янада қучураштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради.

“Дунё” АА

ЁШЛАР ОЙЛИГИ ТАЪЛИМ ВА ТАДБИРКОРЛИК ҲАФТАЛИГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ АНИҚ МАҚСАД ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШ, БИЛИМ ОЛИШГА БЎЛГАН ИСТАКЛАРИНИ РАВБАТЛАНТИРАДИ

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Илмга асосланмаган ишбилармонлик узoққа бормайди. Тадбиркор бўлиш учун билим зарур эмас, деган хато фикр эса бугун шиддат билан ривожланаётган тараққиётга асло тўғри келмайди. Бу — ҳаётда, бизнес оламида муваффиқиятга эришиб, аини кезде, янги ва узoқ муддатли, истиқболли йўналишларга асос солаётган инсонларнинг сўзлари.

Пойтахтимизда ўтказилаётган ёшлар ойлиги доирасида start олган “Таълим ва тadbиркорлик ҳафталиги”да юзлаб йигит-қизлар ана шундай муваффақиятли фаолият юритаётган соҳа вакиллари билан учрашиб, бевоcита мулоқотга киришиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ҳаво cовиб бораётган шу кунларда ёшларнинг қалбидagi ҳарорат ҳар қачонгидан юқори. “Тошкент ёшларни cевади!” шiori oстида ўтказилаётган ёшлар ойлигида бирлашаётган йи-

гит-қизлар навбатдаги тadbирларни ҳам қизгин кутиб олди. 14-17 декабрь кунларига мўлжалланган ҳафталик таълим ва тadbиркорликка бағишлангани билан ҳам уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтаётган учрашувларда хатто залда буш жой қoлмаётгани бунинг далили.

Турли oлий ўқув юртларидан келган талабалар ҳафталик меҳмонларнинг аксариятини яхши танийди, гоийбoна ўзларига устoz, деб билади. Улар

орасида Compas Consulting асосчиси Улуғбек Ҳoжиаҳмедoв, “Юcалиш” лидерлар академияси, “Бизнec квадрат”, “Патронлар лигаси” лoйиҳалари асосчиси Муҳаммадали Эшонқулoв, Moliya.uz ва Growth Academy асосчиларидан Шoҳида Ибрагимова, Dalatek лoйиҳаси асосчиси ва SAP компаниясининг Ўзбекистондаги директори Лазиз Адҳамoв ва бошқа таниқли ишбилармонлар бор. Шахсий бизнесини бошлаш истагидaги ёшларнинг эса уларга берадиган cавoллари, oладиган маслаҳатлари кўп. Ҳафталик бу имкониятини уларга бeрmoқда.

Аввало, тadbиркор бўлиш учун билим қанчалик зарур, деган cавoл кўпчилиқни қизиқтиради. Аммо ҳафталик меҳмонларининг таълим олиш жараёнига бўлган қатъий талаблари, юқори билим даражаси ва шахсий кўрсаткичлари, қолаверса, уларнинг ўзлари мазкур соҳани ривожлантиришга асосланган бизнесни юритаётгани бу cавoлларга ўрин қoлдирмади. Уларнинг бари муваффақият эшикларининг асосий қалитларидан бири, шубҳасиз, яхши таълим эканини таъкидлашди.

— Бирор натижага эришиш учун, аввало, аниқ мақсад ва уни амалга ошириш учун билим зарур, — дейди Cambridge International College, IDP IELTS ва бошқа қатор лoйиҳалар асосчиси Умиджон Эшмуҳаммедoв. — Мен молия соҳасида таҳсил олишни бошлаган вақтимидаёқ АҚШдаги нуфузли oлий ўқув юртида ўқишимни билардим. Ҳақиқатан, молия ва аудит йўналишидаги таҳсилни хорижда давом эттирдим. Мен йигит-қизларга доим IELTS даражасини олиш зарурлигини айтаман. Боиси, корхоналар ҳаммаша мала-

кали мутахассисга эҳтиёж сезади, бундай кадрга қўйиладиган талабнинг биринчиси эса тил билишдир. Қoлаверса, инсонда ўзидаги борини намoён эта олиш қoбилияти бўлиш керак. Қўрқув, тортинчоқлик кўп ишни бошлашга тўcқинлик қиладди. Меҳнат, билим ва уларни кўрсата билиш қoбилияти эса катта муваффақиятга етказилади.

Глобаллашув даврида инсоннинг қeррдалиги муҳим бўлмай қoлди. Бугун билим олишни мақсад қилган ёшлар исталган шакл ёки манзилда ўқиб-ўрганишлари мумкин. Бу йўналишда тadbиркорлигини йўлга қўяётган йигит-қизлар эса ўзлари қаторида атрафдагиларни ҳам билим олишга рағбатлантирмоқда.

Умуман, Тошкент шаҳри ҳoқимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳри бошқармаси бошлиғи Абдулазиз Назирoв. — Ҳар бири алоҳида номланган ҳафталикларда минглаб ёшлар фаол қатнашиб кeлmoқда. Хусусан, “Интеллектуал уйинлар” ҳафталиги доирасидаги тadbирларда жами 6 минг 790 нафар ёш иштирок этган бўлса, спорт мусoбақалари етти кунлигида мингдан зиёд йигит-қиз футбол, волейбол, стол тенниси, боулинг бўйича ўзарo беллашди. Барча уйинлар ва мусoбақаларнинг



ғoилиблари диплом ҳамда эсдалик cовғалар билан тақдирланди. Албатта, буларнинг барчаси ёшлар учун ўтказилмоқда ва тadbирлар, беллашувлар, концертларда иштирок этиш мутлақo текин.

Тadbиркорлар билан учрашувларда иштирок этиб, улардан маслаҳат олиш ёшларга бeрилаётган яхши имкониятлардан бири. Шундай тadbирларда ўзларига мотивация олиб, олдига аниқ мақсад қўяётган йигит-қизлар кўпчилиқни ташкил этади.

— Бугунги учрашув кечагидан ҳам қизгин, кўтаринки кайфиятда ўтmoқда, — дейди Мирзо Улуғбек номидaги Ўзбекистон Миллий университети 2-бoсқич талабаси Мухриддин Саидмурoдoв. — Умуман, ҳафталик бизга аниқ мақсад йўлида изланиш,

билим олишга бўлган истакни ошириши билан ҳам қизиқ ва фойдали бўляпти. Тадбирга тақлиф этилган меҳмонлардан жуда кўп билим, кўникмалар олимпиази. Айниқса, Умид Эшмуҳаммедoв билан учрашув менда катта таассурот қoлдирди. Ундан ўз cавoлимга жуда чиройли, аниқ жавoб олдим. Шижoат, қатъиятим янада oшди. Ғoяларимни мустаҳкамлаб олдим. Ўзим геология соҳасида таҳсил oлаётган бўлсам-да, ўз соҳаси етакчилари фаолиятидан кўп нарсa ўргандим.

Муҳими, ёшлар тadbиркорлик фақат кўр-кўрона бизнec юритиш эмас, балки билимга асосланган, доимий ўзгаришлар oқимидаги соҳa эканини ҳис этmoқда. Таълимда ҳам бу йўналиш алоҳида ўрин эгалляпти.





ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЭРКИН ВОХИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

ТИЛНИ МУАЗЗАМ ВА УЛУҒ САНАБ...

**Давлатжон КАРИМОВ,
Эркин Воҳидов номидаги
ижод мактаби ўқитувчиси,
“Мард ўғлон” давлат
мукофоти соҳиби**

*Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси осмон, ўзбегим.*

Хар гал ушбу жумлаларни ўқиганимизда қалбимиз фаҳр-ифтихорга тўлади. Буюк Навоийга бўлган юксак эҳтиром Эркин Воҳидов шеърларига бўлган ҳайрат билан уйғунлашиб кетади.

Халқ шoirининг бой ижодий мероси адабиётимизнинг латофатли сўз бойлиги бўлиб қолгани билан ҳам аҳамиятли. Албатта, Гёте ва Есенин каби буюк шоирларни ўзбекча “сўзлатган” ижодкор айни пайтда заррабин олим ҳам эди. Унинг таржимасидаги шеърларда бирорта сўз йўқки, ноурин ишлатилган бўлсин. Шу боис, “Сўз латофати” асари ҳам катта тажриба ва фидойи меҳнат самараси ўлароқ дунёга келгани шубҳасиз.


“Тилни бойитиш кенг халқ оммасидан ташаббускорликни, олим мутахассислардан ижодкорликни, янги сўзни ҳаётга киритувчи мутасаддилардан хайрихоҳликни, ўзбекчалаштиришга бўлган қатъий иродани талаб этадиган катта **Ватаний ишдир**”, дейди шоир “Сўз латофати” асарида. Шу ўринда **Ватаний** сўзига эътибор беринг. Нима учун шоир “ватанпарвар иши” эмас, ватаний ишдир демоқда. Назаримда, шоирга ватанпарвар сўзи бу ўринда охори тўкилгандек кўринган бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, сўз қанчалар кўрам бўлмасин, кўп ва ноурин ишлатиларверса, ўз қийматини йўқотиши мумкин. Э.Воҳидов тил мавзусига чуқур билимдон, хассос шоир сифатида ёндашгани боис, маълум бир сўз ўрнига янги, салмоқдор сўзни қўллаб гапнинг мазмун ва моҳиятини янада чуқур ва таъсирчан баён этади.

Худди шу асарда “зангин” сўзи ҳам учрайди: “Аслиятга қайтишнинг қўламли жараёнида **зангин** ва рангин она тилимиз фаол иштирок этаётганидан қувондим”. Синчи шоир рангин сўзининг ранг-баранг маънолари ҳақида ўз асарида батафсил маълумот беради. Мен шу ўринда зангин сўзига тўхталмоқчиман.

Зангин сўзининг асоси “занг” бўлиб, “жаранг”, “қўнғирок” маъноларини аниқлатади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жаранглаб турган овоз занг дейилади. Бунга мисол қилиб ҳамма яхши биладиган мактаб кўнғирогининг овозини келтиришимиз мумкин. Ижодкор зангин сўзини қўллаш орқали ўзбек тили дунё тиллари ичида ҳамон кўнғирокдек жаранглаб турибди, демоқда. Бунки камтарона фарҳ ҳам дейиш мумкин. Қадимда ҳатто шундай сўз уйинига қўрилган “фаҳри” деган бадий санъат тури бўлган. Шу чоғда Алишер Навоийнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:

*Олибман ҳукму фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодан то Хуросон.*

Биламизки, Эркин Воҳидов “Абдулла Қаҳҳор мактаби” вакилларида билар бўлган. Абдулла Қаҳҳор ўз даврида ёш шоирни гоят ҳурмат қилган, унга тўғри йўл кўрсатган. Шогирдини раббатлантириш мақсадида ҳатто бир неча ҳикояларига




унинг шеърларини эпиграф қилиб олади. Эркин Воҳидов устозини ҳамisha катта эҳтиром билан эслайди. Мана, шоирнинг шундай хотираларидан бири: “Абдулла Қаҳҳор билан Кибрийё Қаҳҳорованинг турмуши оддий эр-хотинлик муносабатидан юксакроқ эди. Кўнгил яқинлиги, ижодий ҳамкорлик ўз йўлига. Икки сўз устасининг суҳбатлари лутфга, **тутилмаган** гапларга, гўзал қочиримларга бой бўларди. “Тутилмаган сўз” иборасини эшитиб, хаёлингизга “қутилмаган” сўз келиши табиий.

Рус тилидаги “свежий” сўзи таржима қилинганда, янги, уринмаган, бузилмаган каби бир қанча маъноларни аниқлатади. “Тутилмаган гап” ҳам Эркин Воҳидовда ўзига хос янги ибора бўлиб қўлланилган. Бу ибора ўқувчини янада завқлантиради, тилимизнинг жозибадорлигини яна бир бор намоян қилади.

Кимдидир севсанг, ундаги нўқсон ҳам фазилатдек туюлади, деган фалсафий гап бор. Эркин Воҳидов ҳам ўзбек халқини жону дили билан, барча улўвурлиготи айрим ортиқча саналгувчи одавлари билан сўзган.

Шоир ўзбек халқини япон халқи билан қиёслаб экан, шундай баён қилади: “Японлар рангларга жуда эътиборли. Бизнинг ҳам улардан кам жойимиз йўқ. Юртимиз уларнинг юртидан ўн хисса рангирок, шеърятимиз ўн қарра бойроқ. Элимизга ўн баробар кўп неъмат ола этган Тангрими элпандаги ҳафсала ва **уринчқилик**нинг ундан бирини бизга берса эди...”

Бунда “уринчқ” сўзи “шижоат” сўзининг маънодоши ҳисобланади. Лекин шижоат сўзи ўзлашма сўз, бунинг устига мазкур гапда бошқача маъно қасб



этиб қолиши мумкин. Шунинг учун Эркин Воҳидов унинг соф ўзбекча шаклини топади, аниқроқ, ўзбек тилини янги сўз билан бойлатади. Уринчқ сўзи ишчаниликнинг аяб, эркалаб айтилган маънодошига ўхшашгани илганган бўлсангиз керак. Бу каби ёқимли танқид Ватанини, элини чин дилдан эъзозлайдиган ижодкорга хос услуб.

Ҳазрат Алишер Навоий инсоннинг ҳайвондан фарқи имон эканини шундай ифодалайди:

*Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишони анга иймон эрур.*

Чиндан ҳам, инсоннинг қиймати унинг имони билан белгиланади. Икки инсоннинг бир-бирига бўлган муносабатида ҳам уларнинг нақадар имонли ёки имонсиз эканлиги акс этади. Э.Воҳидов “Тожики биродаримга” (эътибор беринг: укамга ёки акамга эмас, биродаримга дейиляпти) шеърда шундай ёзади:

*Биз икки ёндош элга,
Қариндош, қондош элга.
Жондош, имондош элга,
Фарзанд бўламиз, дўстим.*

Имондош — бу топилдик сўз. Тўғри диндош сўзи бор, лекин “имондош” сўзи янги топилган. Нега шоир шу сўзни танлади. Чунки инсонда имондан устун нарсас йўқ. Имон ҳатто жондан ҳам муқаддас. Ёндош, қариндош, қондош, жондош, имондош сўзларида даражанинг борган сари юқорилаб бораётганини хис қиласиз. Биродар тожик халқи билан ўзбек халқи узоқ асрлардан



буён ёнма-ён, жонга-жон бўлиб яшаб келмоқда. Гарчи бошқа тил ва бошқа миллат бўлса-да, бу икки халқ эт ва тирноқ каби бири-бирига яқин эканини шоир биргина имондош сўзи билан ифодалаб беради.

Эркин Воҳидов шеърларида аския, сўз уйинларидан жуда ўринлатиб фойдаланилган мисраларни истасанча топиш мумкин. Синчов китобхон ҳам англолаимдиган айрим сўз уйинлари борки, уларни аниқлаш учун ўқирмандан жуда катта закиллиқ, адабий дид талаб этилади.

*Тоҳирни ҳалитдан
тинч қўймас қизлар,
Ярим тунда қайтар уйга ҳамиша,
“Унча бўлмасак ҳам шилда бизлар,
Аммо кучли эди одоб, андиша.
Бировнинг қузига сал қараб қўйсак,
Бизлар аталардик шўху бебошлар.
Баъзи киноларни бўзимокда андак,
Капалакмижзороқ қозиреғ ёшлар...”*

Латофатли сўз соҳиби Эркин Воҳидов танқидли ўринларда ҳам қўпол сўз ўрнига ўша даражани аниқлатадиган бошқа сўз топа олади. Бу ҳолат айни пайтда шеърнинг оҳангдорлигига ҳам, маъносига ҳам путур етказмайди. Аксинча, бадийлигини, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Ижодкор шу даражада ички маданият соҳибки, капалакмижзор сўзи ҳам унга огир сўз бўлиб туюлади ва уни енгиллаштиради: капалакмижзороқ! Ҳа, бу юксак истезоднинг ҳали биз кўп ўрганишимиз керак бўлган қирраларидан бири.

Эркин Воҳидов шоир сифатидаги миссиясини юракдан аниқлаган, бошқа ижодкорларга ҳам шундай юксак талаб қўйгани аниқ. Шу сабаб шеърятни, ижодни бир юмуш билиб, ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлаётганларни енгил ҳажв билан қаламга олади. Адабиётга хиёнат қилган, шеърятини сотган сўзфорушларни ижодкор **шеърбоз**, **байтёзар**, **шеърласт** деб атайдди. Бу сўзлар гўё шарафсиз, иснодсиз сўзларининг маънодоши янглиғ янграйди. “Нўноқ шоирлар” шеърда бу ҳолат шундай ифодаланади:

*Биз бир замон муҳаррир бўлдик,
Қисмат экан, бўлдиқ ноширлар.
Улсак ёмон шеърлардан ўлдик,
Адо қилди нўноқ шоирлар.
Қўлёмалар ўқирдик дил ғаш,
Қурулдиқан оҳлар урардик.
Сўз чалқаш,
Ўзи жанжалкаш
Шеърбозлардан қочиб юрардик.*

Буюк адиб кўп янги сўзларни ҳам муомалага киритади. Масалан, календарь сўзи ўрнига **ййлойқун**, иероглиф ўрнига **тас-вирхат** сўзларини ишлатади. Буларнинг барини умумлаштириб эркинона латофат, воҳидовча маҳорат, десак тўғри бўлади.

Буюк шоир ижодидан келтирилган мисоллар кичик изланишлар самараси, ҳолос. Бундай сўзларни — топилдикларни унинг бой ижодида қўллаб ўқатиш мумкин. Мақола якунида эса тилни муаззам ва улўғ деб билган Э. Воҳидовнинг қуйидаги сўзларини келтиришни маъқул қўрдик: “Биз илму ижод аҳли қанча талашиб тортимайлик, бир фикрда ҳаммамиз яқдилмиз: тил ёлғиз мутахассисларнинг мулки, хатлаб берилган ери эмас. Уни бойитиш, гўзал қилиш, хас-хашақлардан тозалаб бориш — умумхалқ ишидир”.

САНА



АСР БИЛАН ТЕНГЛАШАЁТГАН “МАЪРИФАТ”

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Маърифат” газетасининг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Меҳр ва маҳорат мактаби” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

“Маърифат” газетаси ҳозирги мавқега эришгунга қадар узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. Газетанинг илк сони 1931 йил 4 июлда Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги ва марказий қўмита кенгашининг наشري сифатида “Маданий инқилоб” номи билан чиқа бошлаган. 1938 йил 25 январдан “Ўқитувчилар газетаси”га айланган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан 1942-1945 йилларда фаолиятини вақтинча тўхтатди. Уруш тугагач, 1946 йилдан шароит тақозоси билан дастлаб 10-11 кунда бир марта, август ойидан бошлаб эса ҳар ҳафтада чоп этилди. 1947 йилдан ҳафтасига бир марта мунтазам нашр этила бошланди.

1991 йил 4 июлда “Ўқитувчилар газетаси” ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган кунни “Маърифат” номи билан халқ зиялиларининг наشري сифатида илк бор ўз мухлислари қўлига етиб борди. Газета ҳозир Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши муассислигида фаолият юритади.

— Яқинда вилоятлар бўйлаб хизмат сафарига чиқдик, — дейди Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов. — Мактабларда ўқитувчилар ва ўқувчилар билан суҳбатлашган чоғимизда бугунги интернет даврида ҳам юрдошларимиз учун газетанинг ўрни нечоғлиқ юксак эканига гувоҳ бўлдим. Туркистон жадидларининг пешвоси Маҳмудхўжа Бехбўйди “Газета миллат тилининг софлиги учун курашиши лозим”, дея бежиз таъкидламаган. Фарзандларимиз чин маънода маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиб етишишларида китоб билан бирга газета-журналларда нашр этилган мақолаларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Тадбир иштирокчилари устоз журналистлар — Аҳмаджон Долимов, Саъдулла Ҳакимов, Ҳалим Саидов, Абдусамид Раҳимовнинг сабоқлари, улар етакчилиқ қилган давр билан боғлиқ муҳим воқеалиқларни ёдга олишди.

ЮРТИМИЗДА ИЛК БОР

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ

Мамлакатимиздаги маънавий-маърифий соҳалардаги ишларга муносиб баҳо бериш, бу борада энг намунали туман, шаҳар, вазирилик ва идораларни раббатлантириш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Энг намунали туман ва шаҳар” ҳамда “Энг намунали вазирилик ва идора” танловлари эълон қилинган эди.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, бу йил биринчи марта ўтказилган мазкур танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш ва соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш орқали бу борадаги фаолиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги ва барқарорлигини таъминлашдан иборат эди.

“Энг намунали туман ва шаҳар” танловига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиқлари тавсиясига кўра, маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйган, бу борада юқори самарадорликка эришган ҳамда ўз ҳудудига ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаган 14 та туман ва шаҳар, “Энг намунали вазирилик ва идора” танловига эса 20 та вазирилик ва идорадан аризалар келиб тушди. Ғолибликка даъвогарлар фаолияти мутасадди идоралар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан жойларга чиқилиб, низомада белгиланган мезонлар асосида ўрганилди ва баҳоланди.

“Энг намунали вазирилик ва идора” танлови ғолибларини аниқлаш жараёнида уларда маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти йўлга қўйилгани, унинг таркиби, тизимда маънавий-маърифий йўналишида олиб бориладиган ўрганишлар тахлили ва бошқа меъёрлар эътиборга олинди.

Ҳудуддаги корхона, ташкилот ҳамда таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар, жўл дўконлари, кўрганли таърибот восталари, газета ва журналларга обуналар сони, мактаб ва маҳаллалардаги кутубхона, оилавий ҳомийлар даражаси, “Бир зиёли бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили жорий қилингани каби мезонлар эса “Энг намунали туман ва шаҳар” танлови ғолибларини аниқлашга асос бўлди.

Ўз тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали ташкил этган, мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг ижтимоий қайфиятини яхшилаш ва ислохотларга дахлдорлик ҳиссини қўчайтириш бўйича самарали ва таъсирчан инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилган иштирокчилар ғолиблар сафидан жой олди.

“Энг намунали туман ва шаҳар” йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа тумани ҳамда Фарғона



— Юртимиздаги етакчи матбуот нашрларидан бири сифатида тан олинган “Маърифат” газетаси журналистлар учун чинакам маҳорат мактаби саналади, — деди “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири Хусан Нишонов. — Илгари ҳам, ҳозир ҳам журналистикага қадам қўётган ёш қаламкашларнинг аксарияти ушбу тахририятда устоз муҳаррирлардан тажриба ўрганишган. Устоз журналист Маҳмуд Саъдий ҳар кун ишга келганида унинг хонаси олдида ёш ижодкорлар турнақатор бўлиб навбатда туришар эди. Ушбу тахририятда камол топган ижодкорлар бугун етакчи нашрларда фаолият олиб бормоқда. “Меҳр ва маҳорат мактаби” китобида сиз уларнинг газетамиз билан боғлиқ дил сўзлари билан танишасиз.

Бугун ҳам “Маърифат” ҳар уч муассиснинг олиб бораётган таълим ислохотлари мазмун-моҳияти ва соҳа англичларини кенг жамоатчиликка етказиш, мавжуд ютуқларни юзага чиқариш, муаммоларни таҳлил қилиб, бартараф этиш йўли билан таълим вивожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Нашр қўл йиллардан буён ўқитувчиларнинг яқин ҳамкори, услубий ёр-

дамчисига айланиб улгурган. Газетада муаллимлар учун керакли методик қўлланмалар, тавсия, дарс ва тадбир ишланмалари, таълим-тарбияга оид амалий таклифлар, таҳлилий, танқидий ва илмий-оммабоп мақолалар, адабий-бадий асарлар чоп этилади.

Илгор ўқитувчиларнинг иш тахрибасини оммалаштириш, муаллимларнинг янгилик ва мавжуд жарён ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, муаммоларини ёритишда ҳам “Маърифат” асосий воситачи ҳисобланади. 2019 йилдан бошлаб “Маърифат” республика босма нашрлари орасида биринчилардан бўлиб тўлиқ лотин алифбосида чоп этиб келинмоқда.

Тақдирот сўнггида иштирокчиларга “Меҳр ва маҳорат мактаби” китоби совға қилинди. Ушбу китоба жамланган мақолаларни ўқур экансиз, “Маърифат” газетасида йиллар давомида шаклланган самимият ва меҳрға асосланган муҳит тафтини туюсиз. Ижодий мактабда юз берган воқеалиқлардан ибратли хулосалар чиқарасиз.

**Мухтасар
ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири**



вилотиянинг Бувайда тумани 75,6 балл билан, “Энг намунали вазирилик ва идора” йўналишида эса Мудоффа вазирилик 96,9 балл билан 1-уринни эгаллади. Танловнинг мутлақ ғолибларига Президент совғаси — “Дамас” автомобили ва 15 миллион сўмлик китоблар тўплами тақдим этилди.

— Танлумимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавиятини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган, — дейди Элиқалъа тумани ҳокими ўринбосари Бекзод Алиев. — Хусусан, маҳаллаларда “Маҳалла ҳомийлари” рўйхати шакллантирилиб, турли маънавий тарбибот тадбирлари олиб бораёلمиз. Улар бўғиз бунга катта қўмакчи бўлмоқда. Боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла ва оилаларда тарбия узвий йўлга қўйилса, янги ташаббуслар билан чиқилса, ўз натижасини беришига бугун яна бир бор амин бўлдим. Давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни бажарарканмиз, бунда маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ қўрилган, шунингдек, бир қатор жамоалар ҳам танловнинг пул мукофоти ва китоблар тўплами билан тақдирланди. Тақдирлаш маросими халқимиз суйган санъаткорларнинг оқоз ва обод юртимизни мадҳ этувчи гўзал куй-қўшиқларига уланиб кетди.

**Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4159.

75974 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусаҳҳиш: Малюхат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 21:45 Топширилди — 02:00